

**"Андижон худудий электр тармоклари корхонаси" акциядорлик
жамияти Кузатув Кенгаши мажлисининг**

Б А Ё Н Н О М А С Идан кўчирма

« 29 » октябрь 2018 йил

Тошкент шаҳри.

«Андижон худудий электр тармоклари корхонаси» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг мажлиси 2018 йил « 29 » октябрь куни Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 6-уйда, соат 11-00 да бўлиб ўтди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбекэнерго” АЖ ҳамда Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг “Ўзбекэнерго” АЖда янги тариф ставкаларини киритилиши тўғрисидаги 2018 йил 24 октябрь 545/13-16 “С” сонли Буйруқ – Қарорини кўриб чиқиш.

Қабул қилинган қарорлар:

1. “Ўзбекэнерго” АЖ ҳамда Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг “Ўзбекэнерго” АЖда янги тариф ставкаларини киритилиши тўғрисидаги 2018 йил 24 октябрь 545/13-16 “С” сонли Буйруқ – Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин

2. “Андижон ХЭТК” АЖ Бош директори А.Жураевга:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ-5553 сонли Фармонига асосан белгиланган энг кам иш ҳақиға мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш хисобига иш ҳақи миқдори оширилсин.

1.2. “Ўзбекэнерго” АЖ тизимида янги тариф ставкалари киритилганлиги муносабати билан “Андижон ХЭТК” акциядорлик жамиятида ушбу таъриф ставкалари қўлланилиши таъминлансин ва ушбу таъриф ставкаларига асосан штатлар жадвали тасдиқлансин.

1.3. Ушбу тасдиқланган штатлар жадвали 2018 йил 1 декабрга қадар “Ўзбекэнерго” АЖ нинг Меҳнат ва иш ҳақи бўлимига тақдим этилиши таъминлансин.

Кузатув кенгаши.